

ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРНИНГ ЁНИЛҒИ СИФАТИ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Abduhakimov Maqsudjon Zafarovich

Toshkent Davlat Transport Universiteti

ANNOTATSIYA

2020 йил 24 январ куни Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатнома йўллади. Давлат раҳбари ўз нутқида мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Калит сўзи: дивигател,экологик,таббiiй,муҳофаза,хавфсизлик.

Айни пайтда республикада ҳудудлар кесимида экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ҳудудларнинг санитар ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасидаги сиёсат изчиллик билан амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Президент раҳбарлиги остида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги давлат бошқаруви тизими шакллантирилди, бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, стратегик ва дастурий ҳужжатлар лойиҳалари янгиланди.

Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Экологик таълимни ривожлантириш концепциялари қабул қилинди. Шунингдек, ўша йили 2019–2028 йиллар даврида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиялари ҳам тасдиқланди.

Шу билан бир қаторда, тупроқнинг турли хил саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши, атмосфера ҳавонинг ифлосланиши ва саноат корхоналари фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсири билан боғлиқ муаммолар, ҳамон экологик хавфсизлик соҳасида долзарблигича қолмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси, саноат ва коммунал хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масала ҳам оғриқли нуқталардан бири бўлиб қолмоқда.

Эътиборга молик томони шундаки, Президент ўз Мурожаатномасида жорий йилнинг 1 октябрига қадар етакчи халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда «Экологик кодекс» лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Транспорт машиналари ИЁД ларнинг турли қувват билан ишлаш режимларининг қисқача таҳлили ёки ИЁД ларнинг сиқиш ва кенгайиш жараёнлари параметрлари таҳлили Сиқиш жараёнида -“наддув”ли ва “наддув”сиз тўрт тактли двигателларда киритиш клапанлари беркитилгандан кейин, икки тактли двигателларда эса газ алмашинув жараёни тугагандан сўнг поршен цилиндр ю.ч.н.га томон ҳаракат қилганда сиқиш жараёни содир бўлади.

Цилиндрга кирган янги заряднинг ҳарорати ва босими сиқиш натижасида ортади. Сиқиш даражаси карбюраторли двигателларда детонацияли ёнишнинг пайдо бўлиши билан, дизелларда эса дизел ёнилғисининг ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати билан чекланган бўлади. Шу сабаблисиқиш жараёни охирида заряднинг ҳарорати ва босими маълум чегарада бўлади. Дизелларда сиқиш жараёни охирида ҳарорат ва босимнинг ошиши билан циклнинг унумдорлиги ошади ҳамда

иссиқликдан фойдаланиш яхшиланади. Транспорт машиналари, очик конларда, қурилиш ишларида вақтнинг кўп қисмида номинал қувватни қисман сарфлаб ишлайди.(масалан юк ортишда, ортиш-тушириш ишларида ва ҳ.к). Шу боис ишнинг ўзига хос хусусияти ана шундай бўлган машиналарнинг ёнилғи тежамкорлиги захарли моддалар чиқарилиш ейилиш бузилишмасдан ишлаш ва бошқалар бўйича ўртача иш кўрсаткичлари кўп жиҳатдан двигателларнинг қисман ва ўтиш

режимларидаги характеристикалари билан аниқланади. Двигател юкланишининг иш кўрсаткичларига таъсири қабул қилинган ростлаш усулига боғлиқдир. Ҳар бир двигателнинг қуввати $z(.)$ нуқтадаги энг катта босим билан характерланади. Ушбудан келиб чиқиб номинал режимда ишлайдиган двигателлар цилинтрида ёнилғининг ёниши натижасида поршенга тушадиган юкланиш автомобил ёки тракторни юргизиб юборишда қанчалик даражада аҳамиятлилиги лаборатория ишларини олиб

боришда ва маъруза вақтида талабалар учун муҳим бўлган кўрсаткич двигателнинг сиқиш ва кенгайиш жараёнларининг асосий кўрсаткичлари қаторида тураган поршенга тушадиган юкланишнинг кг-ларда ифодаланиши ни илмий нуқтаи назаридан таҳлил этиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан қуйидагича назарий жиҳатдан Жиззах шаҳар транспорт ва алоқа касб ҳунари коллежидаги ИЁД ларнинг стендидан олинган маълумотлар асосида ва математик ҳисоб китобларга асосан меъёрий кўрсаткичлар бир бирига мослигига асосланади. Математик ҳисоб китоблар олиб борилганда натижалар қуйидагича бўлади.

Мисол учун маълум маънодаги дизел двигатели поршенига тушадиган юкланишининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Юқорида келтирилган ҳисоб китоб натижаларидан кўриниб турибдики ИЁД лабораторияларини олиб боришда талабаларга ишнинг моҳиятини тушунтиришда турли шаклдаги двигателларда иш қисмида, ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда курс лойиҳа ишларини олиб боришда двигателнинг цилиндри ичида битта поршенга тушадиган босимини аниқлаш билан биргаликда неча килограмм юк таъсирида поршен ҳаракатланиши аниқроғи автомобил двигателни бутун механизмларини ишлатиш учун қолаверса бутун автомобилни (тракторни) юргизиб юбориш учун керак бўладиган оғирлик кучининг салмоғини аниқлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхоти:

1. Қодиров С. М. Ички ёнув двигателлари. Тошкент 2006 й.
2. Бычков В.П. Пеньшин Н.В. «Эффективность производство и предпринимательство в автосервисе» Учебное пособие. г. Тамбов 2007г.